

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил январь ойининг 14 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, “Кўкча Дарвоза” м.ф.й. биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси И.Шахабованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи АААААААА, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “M and Di Legal Group” адвокатлик бюроси адвокати М.Муродова, жабрланувчи Д.Оллаберонов ва И.Умаржоновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган

6 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти -хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 03.12.2021 йилда олган, ААААААААга

нисбатан 1-1003-2104/586-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган прокурор фикрини эшитиб, жиноят иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, судланувчи АААААААА, 2021 йил 16 август куни соат 18:30ларда, бошқариш ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатлар асосида давлат рақами 01 R 217 NB бўлган “Malibu” русумли автомашинасини, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кўкча дарвоза кўчаси бўйлаб бошқариб, 35-уй қаршида амалдаги “Йўл ҳаракати қоида”ларининг 4-банди, қисми 11-банди “г” қисми, 12-банди 1 қисми, 53-банди, 77-банди 1 ва 3 қисмида кўрсатилган яъни “ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт”, “транспорт воситасини ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёда(лар)га нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, “транспорт воситасини йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоклик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланади”, “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”, “ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг ҳусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак”, “ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан, ҳаракатланиши оқибатида ухлаб қолиб, йўл қатнов қисмининг иккинчи бўлагидан ўнг томон биринчи



бўлагига ҳаракатланиб ўтиши оқибатида, ҳаракат йўналишига нисбатан йўл қатнов қисмида тўхтаб турган жабрланувчи Умаржонов Иброхимжон Қобилжон ўғлини ва Оллабергонов Диёрбек Равшонбек ўғлини уриб юборган. Натижада И.Умаржонов ва Д.Оллабергонов олган тан жароҳатлари билан шифохонага муурожаат қилишган.

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 23 август кунидаги 5119-Х-ЙЎЛ сонли хулосасига кўра, И.Умаржонов йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейишини ўртача даражаси, бош мия тўқимасига ва пардалари орасига қон куйилиши, калла суягини синиши, назогеморея, энса соҳасини тери ости гематомаси, ўнг ўмров суягини акромиал учидан силжимасдан синиши, ўнг ўмров, ўнг елка ва ўнг болдир соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши ва шилинмалари” каби тан жароҳатлари олганлиги, оғирлик даражаси бўйича ОҒИР тан жароҳатларига кириши аниқланган.

Ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 23 август кунидаги 5121-Х-ЙЎЛ сонли хулосасига кўра, Д.Оллабергонов йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “Ўнг тизза бўғими десторзияси, гемартрози ва ички ён бойламаларини йиртилиши” каби тан жароҳатлари олганлиги, оғирлик даражаси бўйича ОҒИР тан жароҳатларига кириши аниқланган.

Суд муҳокамасида судланувчи АААААААА ва жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновлар ариза билан муурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи ААААААААга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган ва жиноят иши айблов хулосаси билан судга тақдим этилган.

Судланувчи АААААААА суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновлар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Д.Оллаберонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ААААААААга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳукукий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Умарожовнов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ААААААААга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳукукий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд, жабрланувчи Д.Оллаберонов ва И.Умарожовновлар ҳамда судланувчи ААААААААнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Шайхонтоҳур туман прокурори ёрдамчисининг ҳамда химоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи ААААААААни муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновлар ва судланувчи ААААААААга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, ААААААААга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқни йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 497¹¹, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м к и л а д и,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи ААААААААга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми тартибида тугатилсин.

ААААААААга қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновларга етказилган зарар қопланганлиги инobatга олинсин.

Жабрланувчи Д.Оллаберонов ҳамда И.Умарожовновларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ЖПКнинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, агар ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья: имзо

Нусхаси аслига тўғри:

